

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажак буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУГЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 24 август, № 183 (8245)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



«БУЮК ИПАК ЙЎЛИ» МАЖМУАСИ — ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДУНЁГА КЕНГ ОЧИЛАЁТГАН ДАРВОЗАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Буюк Ипак йўли» халқаро туризм марказининг очилиш маросимида иштирок этиш учун 23 август куни Самарқандга келди.



Марказдан ўрин олган «Боқий шаҳар» мажмуаси ҳовлисида самарқандлик нурунийлар, зиёлилар билан самимий суҳбат бўлди. Ушбу ишшоотлар хайр-баракали бўлишини, бундай яхшиликлар кўпайишини тилаб дуо қилинди.

Шундан сўнг «Буюк Ипак йўли» халқаро туризм марказининг тантанали очилиш маросими бўлди. Унда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлаб, барчани ушбу қувончли воқеа билан табриклиди.

— Халқимизнинг ақл-заковати ва фидокорона меҳнати билан бунёд этилган ушбу мажмуа Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги яна бир салмоқли, зафарли натижа бўлди. Қадимий ва навқирон Самарқанд бағрида қад ростилаётган мана шундай замонавий, улугвор меъморий мажмуа барчамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин, буюрсин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Самарқанд — миллий давлатчилигимизга асос бўлган, тарихимиздаги иккала Ренессанс даврида ҳам муҳим ўрин тутган шаҳар. Шу боис сайёҳлар бу ерга, асосан, қадимий обидаларни кўриш ва табарруқ жойларни зиёрат қилиш учун

келар эди. Туризмнинг бошқа йўналишлари учун замонавий мажмуалар йўқ эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЯНГИ САМАРҚАНД: ВОҚЕЛИККА АЙЛАНГАН ОРЗУ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида «Буюк Ипак йўли» халқаро туризм марказининг очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, ҳурматли Самарқанд аҳли! Мухтарам меҳмонлар!

Бугун сиз, азизлар билан, барчамиз учун қадрли бўлган Самарқанднинг янги қиёфасини белгилаб берадиган муҳташам мажмуа — «Буюк Ипак йўли» халқаро туризм марказининг тантанали очилиш маросимида учрашиб турганимдан хурсандман.

Халқимизнинг ақл-заковати ва фидокорона меҳнати билан бунёд этилган ушбу мажмуа Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги яна бир салмоқли, зафарли натижа бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Қадимий ва навқирон Самарқанд бағрида қад ростилаётган мана шундай замонавий, улугвор меъморий мажмуа барчамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин, буюрсин!

Азиз юртдошлар! Халқимизга яхши маълум, Самарқанд — миллий давлатчилигимиз ва умуман, жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида ўринга эга. Ушбу боқий шаҳар тарихимиздаги иккала Ренессанс даврининг юзага келиши ва ривожига муҳим роль ўйнаган.

Буюк Амир Темури бобомиз ўзи барпо этган қудратли салтанат учун айнан Самарқанд шаҳрини пойтахт этиб белгилгани ҳам албатта бежиз эмас.

Ушбу заминда шаклланган қутлуқ анъаналарни изчил давом эттирган ҳолда, Самарқанднинг қадимий шухратини тиклаш мақсадида охириги йилларда уни янада кўркам ва обод қилиш, чинакам халқаро туризм марказига айлантириш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширишда.

Янгидан қурилиб, бугун очилаётган «Буюк Ипак йўли» маркази шу йўлдаги яна бир улкан қадам бўлди. Йилига 2 миллион туристга хизмат қиладиган бу кўп тармоқли марказ таркибда «Боқий шаҳар» мажмуаси, Конгресс ҳолл, 8 та замонавий меҳмонхона, амфитеатр ва кўплаб бошқа объектлар мавжуд.

Биз марказ лойиҳасини пухта ишлаб чиқиш учун тажрибали меъмор ва муҳандислардан иборат халқаро жамоани жалб этдик. Улар тайёрлаган лойиҳани миллий меъморчилик ва шаҳарсозлик тажрибамиз, иқлим шароитимиздан келиб чиқиб, қайта-қайта муҳожама қилдик ва такомиллаштирдик.

Бу улкан марказ буюк аждодларимиз бунёд этган муҳташам меъморий обидаларга муносиб бўлиб, уларнинг тарихий анъаналарини давом эттиради. Ушбу мажмуа мамлакатимизда ҳозирги пайтда пойдевори қурилиши бошланган Учинчи Ренессанс ва олдинги тарихий даврлар ўртасидаги рамзий кўприк бўлади, деб ишонаман.

Бунёдкор халқимиз, юқори билим ва тажрибага эга инженер-мутахассисларимиз, навқирон ёшларимиз ана шундай ғоят мураккаб ва ноёб лойиҳани амалга ошириш учун хорижий ҳамкорларимиз билан қўлни қўлга бериб, фидокорона меҳнат қилдилар.

Шу ўринда Туркия, Буюк Британия, Италия каби давлатларнинг юксак маалакили инженер ва техник мутахассислари қурилиш жараёнида фаол иштирок этганини алоҳида қайд этиш лозим.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанали

маросимда қатнашадиган чет эл дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакилларини самимий қўллаб, Ўзбекистон билан кўп қиррали алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётганлари учун уларга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман. Бундан кейин ҳам сизларнинг шарафли фаолиятингизда давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, жумладан, туризм соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш — устувор йўналишлардан бири бўлиб қолади, деб умид қиламан.

Қадрили дўстлар! Ушбу янги кўркам мажмуага «Буюк Ипак йўли» деб ном берганимиз замирида чўқур маъно бор.

Асрлар давомида Хитойнинг қадимий Сиан шаҳридан бошланиб, дунёнинг кўплаб мамлакатлари ҳудудидан ўтган ва кўнра Рима қадар етиб борган бу улкан савдо йўли жаҳон халқлари ўртасидаги иқтисодий, маданий-маърифий мулоқот воситаси бўлиб келган. Азим Самарқанд эса, Буюк Ипак йўлининг асосий манзилларидан бири бўлганини ҳаммамиз яхши биламиз.

Шуни ҳисобга олиб, биз янги марказдаги биноларда Буюк Ипак йўли даврига оид тарихий манзараларни ҳам акс эттирдик. Масалан, «Боқий шаҳар» мажмуаси безакларида қадимий Афросиёб деворларида сақланиб қолган Сўғд давлати ҳукмдорининг Корея, Житой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросими тасвирларидан фойдаландик.

Ўйлайманки, ана шу давлатларнинг элчилари ва хорижий сайёҳлар ҳам ушбу тасвирлар билан танишиб, ўз юртлари тарихини шу ерда кўргандек бўлади.

Биз Буюк Ипак йўли орқали ривожланган ана шу тарихий анъаналарни, бугун тараққийёт, маданият, дўстлик ва ҳамкорлик йўли сифатида қайта тиклашга интиломқдамиз. Шу мақсадда дунё ҳамжамияти билан турли соҳалардаги алоқаларни кучайтириш, мамлакатимизга замонавий илм-фан ютуқлари, юқори технологиялар, инвестициялар, янги, илгор гоюлар кириб келиши учун шароит яратмоқдамиз.

Умуман, «Буюк Ипак йўли» мажмуаси Ўзбекистоннинг дунёга кенг очилаётган яна бир дарвозаси, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Мухтарам анжуман иштирокчилари! Самарқандни йирик туризм марказига айлантиришда «Боқий шаҳар» меъморий ансамбли алоҳида муҳим ўрин тутди. У келгусида бутун Самарқанднинг ўзига хос «таширф қоғози»га айланади, деб ишонаман.

Ушбу мажмуа ҳар қандай сайёҳни қадимий афсоналар оламига, тарихий обидалар дунёсига олиб кирадиган том маънодаги ноёб лойиҳадир. Қадимий услубда барпо этилган 14 та ҳудудимизга хос 40 та хунармандлик устaxonасининг ҳар бири бетакдор қиёфага эга.

Қўлигул усталар ёғоч ўймакорлиги, қулоччилик, ипак қоғоз ишлаб чиқариш, заргарлик ва гилам тўқиш жараёнлари орқали сайёҳларнинг кўз

ўнгиди маҳорат дарсларини олиб борадилар. Хусусан, Риштон қулоччилиги, Бухоро зардўзчилиги, Қорақалпоқ ўтови, Марғилон атласи каби хунармандчилик маҳсулотлари сайёҳлар учун амалий даниқ дурдоналари сифатида тақдим этилади.

Бу ерга қадам қўйган инсон нафақат қадимий Самарқанд бағрида, балки бутун Ўзбекистон замининда юргандек бўлади, унинг бор улугворлиги ва беқиёс жозибасини ҳис этади.

Ушбу гўзал масканда 280 минг туп манзарали дарахт ва буталар экилди, 170 гектар яшил ҳудудлар яратилди.

Албатта, марказ ишга тушиши натижасида юртимизда туризм соҳасини янада юқори босқичга олиб чиқиш учун қўшимча имкониятлар очилади.

Шу ўринда бир рақамга эътибор беринг. Бундан 3-4 йил олдин Самарқандга таширф буюрадиган маҳаллий ва хорижий туристлар сони 500 минг нафардан ошмас эди. Ҳозирги кунда туризмни ривожлантириш бўйича ишловларимиз, қўлай инвестициявий муҳит яратиш бўйича саъй-ҳаракатларимиз туфайли Самарқандга келаётган хорижий туристлар сони 2 баробар кўпайди.

Бу маррани янада юқори олиш учун барча имкониятлар етарли. Хусусан, келгуси йилларда Самарқандга келаётган хорижий туристлар сонини 1,5 миллиондан ошириш бўйича чоралар кўриломоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА СЕЗИЛАРЛИ ЮТУҚЛАРНИ ҚАЙД ЭТДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 август куни Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Жорий йил июнь ойида ўтказилган олий даражадаги учрашувлар якунида эришилган келишувларни амалга оширишдаги сезиларли ютуқлар мамнуният билан қайд этилди.

Август ойи бошида қўшма Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йилги йилги ҳамда Ўзбекистон, Озарбайжон ва Туркия ташқи ишлар, транспорт ва савдо вазирларининг биринчи учрашуви самарали ўтказилди.

Жорий йилда ўзаро товар айирбошлаш 70 фоизга ошди. Қишлоқ хўжалиги, ипакчилик ва тўқимачилик соҳалари, машинасозлик, кимё ва бошқа тармоқларда қўшма кооперация лойиҳаларини амалга ошириш бошланди.

Ўзбекистон — Озарбайжон инвестиция фондини тез фурсатда ишга тушириш ишлари олиб борилмоқда. Маданий-гуманитар алмашинув кенгаймоқда.

Давлат раҳбарлари амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш лозим эканини таъкидладилар. Шу маънода, келгуси кузда икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги сезиларли ютуқлар мамнуният билан қайд этилди.

Минтақавий кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашилди. Булажақ кўп томонлама учрашувлар, шу жумладан, Самарқанд шаҳридаги Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий давлатлар ташкилоти саммитларининг режиси ва кун тартиби кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон Президентларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек очик, самимий ва дўстона руҳда ўтди.

Ў.А.

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар



Хорижга бориб, мен Самарқандданман десангиз, сизга хайрат ва ҳавас билан қарашади. Чунки бу шаҳарнинг таърифи доврuginи бутун дунё билади. Француз олими Жан Поль Рунинг таъбири билан айтганда, Самарқанд саждагоҳ каби муқаддас шаҳар. Бу қадимий кентнинг ҳар бир гиштида, ҳар қарич ерида тарих тимсоллари мужассам. Уни зиёрат қилиш учун дунёнинг турли бурчакларидан келаётган сайёҳлар оқими тинмайди. Самарқандга бир мартаба келган меҳмон уни соғинади, қани эди яна бир марта кўрсам, деб орзу қилади.

Етти иқлимда «Ер юзининг сайқали» деб ном олган Самарқанд азал-азалдан илм-фан маркази, маърифат бешиги бўлган. Дунё кутубхоналарида ноёб маънавий дурдоналар сифатида эъзозланаётган кўплаб асарлар айнан ана шу кўнра заминда яратилган. Х аср-да яшаган араб сайёҳи Абулқосим ибн Ҳавқал таърифида кўра, бу маскан Мовароуннаҳрнинг олимۇ фузало, адиблари йиғиладиган шаҳар бўлиб, уларнинг энг машҳурлари Самарқандда таълим ва тарбия олиб, камолотга эришган.

Очик мулоқот таассуротлари

ТАДБИРКОР — ЮРТГА МАДАДКОР

Мамлакатимизда тадбиркорлар давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ҳамда улар учун қўлай бизнес муҳити яратиб берилаётгани туфайли соҳада катта муваффақиятларга эришилмоқда. Пировадидида иқтисодиётимиз қудрати ва экспорт салоҳияти юксалиб бормоқда. Албатта, бунда яратилган имтиёз ва имкониятлардан фойдаланиб, соҳага инвестицияларни кенг жалб қилаётган, кўпайи янги иш ўринлари очаётган фидойи бизнес вакилларининг ҳиссаси катта.

Тадбиркорлар кун арафасида ана шундай жонқуяр ишбилармонлар давлатимизнинг юксак мукофотлари ҳамда «Фаол тадбиркор» кўрақ нишони билан тақдирланди.

22 август куни Халқаро конгресс марказида Президент Шавкат Мирзиёев тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказди. Учрашувда ўтган йилги мулоқотда берилган имтиёз ва энгилликлар туфайли бир йил давомида эришилган ютуқлар ва баъзи муаммолар таҳлил қилинди, шунингдек, янги имтиёзлар белгиланди, солиқ юқини энгиллаштириш ҳамда тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қатор янгиликлар жорий этилди.

Очик мулоқотда қатнашган соҳанинг фидойи тадбиркорлари фикр-мулоҳазалари ҳамда дил сўзлари билан 3-саҳифада танишасиз.

ЯНГИ САМАРҚАНД: ВОҶЕЛИККА АЙЛАНГАН ОРЗУ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида «Буюк Ипак йўли» халқаро туризм марказининг очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Шу мақсадда вилоятдаги 50 га яқин маданий мерос мажмуаларини реставрация қилиш ҳамда 600 дан зиёд замонавий меҳмонхона ва меҳмон уйлариини барпо этиш юзасидан аниқ режалар қилинган.

Шаҳарда жамоат транспорти тизими тубдан ислох этилиб, электробуслар қатнов йўлга қўйилади.

Самарқанднинг ҳаво дарвозаси бўлган аэропортни бутунлай янгитдан барпо этганимиз, ҳеч шубҳасиз, туризмни ривожлантириш йўналишидаги энг муҳим ишларимиздан бири бўлди. Янги аэропорт бугун очилаётган «Буюк Ипак йўли» марказини барпо этишдан кўзланган мақсадларимизга гоят уйғун ва ҳамохандир.

Азиз дўстлар!

Биз йил бошида «Ўзбекистон бўйлаб сەяхат қилинг!» дастурини қабул қилдик. Шу йўлда мана бугун Самарқанд шаҳрида дастлабки катта натижаларни кўриб турибмиз. Келгусида бундай замонавий мажмуа Бухоро шаҳрида ҳам барпо этилади. Бу каби лойиҳаларни республикамизнинг барча ҳудудларида амалга ошириш бўйича ҳам режаларимиз бор.

Шу тариқа маҳаллий ва хорижий туристлар учун мамлакатимиздаги 8 мингдан ортиқ маданий мерос объектлари билан яқиндан танишиш имконияти янада кенгайтирилади.

Умуман олганда, ана шундай

ишларимиз тўғрисида келгуси беш йилда мамлакатимизга келадиган сайёҳлар сонини ҳозирги 2 миллиондан 9 миллионга етказамиз.

Энг муҳими, туризм соҳасида меҳнат қилаётганлар сони 500 мингдан ошади. Уларни ўқитиш ва касбий маҳоратини ошириш мақсадида Самарқанд шаҳрида «Ипак йўли» туризм ва маданий мерос халқаро университети фаолияти йўлга қўйилган. Ушбу билим масканида ҳозирги кунда 6 та давлатдан мингдан зиёд талаба ўқимокда, уларга хорижий профессорлар дарс бермоқда. Бу ерда 20 мингга яқин ноиб адабиётлар ва кўлемга асарлардан иборат замонавий кутубхона ташкил этилган.

Қадрли ватандошлар!

Ёдингизда бўлса, бундан бир неча йил олдин сизлар билан биргаликда Самарқандни яна «Ер ўзининг сайқали»га, дунёдаги энг гўзал ва обод шаҳарлардан бирига айлантирамиз, деб ният қилган эдик.

Шу мақсад йўлида Имом Бухорий бобомизнинг ёдгорлик мажмуаси тўлиқ қайта қуриломоқда. Насиб этса, бу табарқур зияратгоҳ буюк аждодимизнинг мусулмон оламидаги бекиёс обрў-эътиборига ҳар томонлама муносиб бўлган ажойиб масканга айланади.

Азиз дўстлар!

Олдимизда катта-катта саналар, йирик сиёсий, маданий ва маърифий тadbирлар турибди. Жонажон Ватанимиз

мустақиллигининг 31 йиллик байрами тобора яқинлашиб келмоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарлари учрашуви каби нуфузли халқаро тadbирлар ҳам яқин ойлarda айнан Самарқандда бўлиб ўтади.

Келгуси йилда эса, қадимий шахримизда Европа тикланиш ва тараққиёт банки бошқарув Кенгашининг йиллик йиғилиши ва Жаҳон туризм ташкилотининг Бош ассамблеяси ҳам ўтказилади.

Ана шундай улкан анжуманларни юқори савияда ташкил этишда бугун очилаётган янги марказимиз ҳам самарали хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Самарқанд қиёфасини тубдан ўзгартириб юборган ушбу қурилишларни амалга оширишда чин юракдан, қалбидан бор меҳри ва сардоқати билан меҳнат қилган барча қурувчи ва мутахассисларга, тadbиркорлар ва мутасадди ташкилотларга, чет эллик ҳамкорларимизга, Самарқанд ахлига, кўп миллатли бутун халқимизга миннатдорлик билдиришга ихозат бергайсиз.

Мана шундай гўзал масканларимиз янада кўпайсин!

Азим Самарқандимиз, жонажон Ўзбекистонимиз дунё турғунча турисин!

Барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган танти ва меҳнаткаш халқимиз доимо омон бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

«БУЮК ИПАК ЙЎЛИ» МАЖМУАСИ – ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДУНЁГА КЕНГ ОЧИЛАЁТГАН ДАРВОЗАСИ

2019 йилда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан катта амбицияли лойиҳа бошланди — Самарқанд туманидаги эшак эшиш канали бўйида, 212 гектар майдонда улкан мажмуа қуришга киришилди. Аввало, тажрибали меъмор ва муҳандислардан иборат халқаро жамоа жалб этилиб, пухта лойиҳа ишлаб чиқилди. Давлатимиз раҳбари бу ерга бир неча марта келиб, қурилиши миллий меъморчилик анъаналаримиз ва одамларга қўлайлик ҳиқатидан тақомиллаштириш бўйича тавсиялар берди. Бунёдкорлик ишларида малакали қурувчиларимиз билан бирга Туркия, Буюк Британия, Италия каби давлатларнинг етуқ мутахассислари иштирок этди.

Шу тариқа қисқа вақтда, пандемиядаги қийинчиликларга қарамай, ушбу улкан мажмуа қуриб битказилди.

Бу кўп тармоқли марказ таркибиде 8 та замонавий меҳмонхона, Конгресс холл, «Боқий шаҳар» мажмуаси, амфитеатр ва кўплаб бошқа иншоотлар бор. У йилга 2 миллион туристга хизмат кўрсатиши мумкин.

— Бу улкан марказ буюк аждодларимиз бунёд этган муҳташам меъморий обидаларга муносиб бўлиб, уларнинг тарихий анъаналарини давом эттиради. Ушбу мажмуа мамлакатимизда ҳозирги пайтда пойдевори қурилиш бошланган Уччи Ренессанс ва олдинги тарихий даврлар ўртасидаги рамзий кўприк бўлади, деб ишонаман, — деди Президент.

Марказ «Буюк Ипак йўли» деб номланганида чуқур маъно бор. Бу ерда уша

даврга оид тарихий манзаралар акс эттирилган. Масалан, «Боқий шаҳар» мажмуаси безакларида қадимий Афросиёб деворларида сақланиб қолган Сўғд давлати ҳукмдорининг Корес, Хитой, Хиндистон ва бошқа мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросими тасвирларидан фойдаланилган.

Бу ерда қадимий бозор, мамлакатимизнинг баҳри ҳудудларига ҳо 40 та ҳунармандчилик устахонаси ташкил этилган. Унда усталар ёғоч ўймакорлиги, қулпочилик, заргарлик, гилам тўқиш каби жараёнларини сайёҳларга намойиш этади.

Бу мамлакатимизда сайёҳлик индустриясини ривожлантириш борасидаги улкан ишларнинг бир қисми. Янги туризм маркази келгуси йилларда Самарқандга келадиган хорижий сайёҳлар сонини 1,5 миллиондан оширишда муҳим ўрин тутади. Умуман олганда, келгуси беш йилда мамлакатимизга келадиган сайёҳлар сонини ҳозирги 2 миллиондан 9 миллионга етказиш мақсад қилинган. Энг муҳими, туризм соҳасида меҳнат қилаётганлар 500 минг нафардан ошади.

Шунингдек, мажмуадаги замонавий меҳмонхоналар ва Конгресс-холл йирик анжуманлар ўтказиш учун ҳам шaroит яратди. Яқинда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарлари учрашуви каби нуфузли халқаро тadbирлар шу ерда бўлиб ўтади. Келгуси йилда эса қадимий шахримизда Европа тикланиши ва тараққиёт банки бошқарув Кенгашининг йиллик йиғилиши ва Жаҳон туризм ташкилотининг Бош ассамблеяси ҳам ўтказилади.

«Боқий шаҳар достони» мусиқали ҳиқояси янги марказнинг образли ифодаси бўлди. Мирзо Улуғбек расадхонасидан андоза олиб яратилган амфитеатр сахнасининг ўзига хос декорацияси ва замонавий техник имкониятлари мусиқали композициянинг нафақат куй-қўшиқ ва рақслар, балки ранг ва тасвир, турли чироқлар ёғдури орқали тўлақонли ифодалашга хизмат қилди.

Мазкур мусиқали композиция кичик бир усталар қишлоғида дунёга келган йигитнинг ҳиқоясига асосланган. Қизқарлик сёяхатлар ҳақидаги китоблардан илҳомланган йигит узок сафарга отланиб, йўл давомиде билимларини бойитиш имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга турли синовларни енгиб ўтади. Узок йўлни босиб ўтган йигит аждоғи масканга қадам қўяди ва бу ерда қачонларди туршида кўрган қизни учратади. У билан турмуш қуради ва яна ўз юртига қайтиб, ижод кадр-қиммати ҳақиқатини англайди. Қум, юлдузлар, шамол ва сувдан орузлар шаҳри, яъни Боқий шаҳарни бунёд этади.

Халқимиз ва дунё санъати уйғунлашган мазкур мусиқий ҳиқояни яратишда юртимизнинг танкили санъаткорлари ва бадиий жамоалари билан бирга хорижий ижодкорлар ҳам иштирок этди.

Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрами арафасида Самарқанднинг «Буюк Ипак йўли» мажмуасидан таралган навулар ва ёғдулар олис-олисларга етиб, мамлакатимизда катта байрам тантаналари бошлаётганидан садо берди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Фолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбирлари.

СУРХОН ВОҶАСИНИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ ЮҚОРИ, АММО...

Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган йигирма тўққизинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан кўтарилган долзарб масалалар ва мавжуд муаммоларни жойларга чиқиб, ҳар томонлама чуқур ва атрафлича ўрганиш вазифаси белгиланганидан хабарингиз бор. Хусусан, Сурхондарё вилоятида туризм инфратузилмаси ҳолатига оид қатор муаммолари масалалар кўтарилган эди.

Ўрганиш

Шундан келиб чиққан ҳолда тузилган ишчи гуруҳ аъзолари Сурхондарё вилоятида бўлиб, ҳудудда туризм объектлари, тегишли инфра-тузилма ва туристлар учун яратилган шарoитлар билан яқиндан танишди.

Хусусан, Термиз туманидаги Ал-Ҳаким ат-Термизий зияратгоҳи, Эски Термиз қалъаси ва қатор тарихий-маданий мерос объектларининг ҳолати, реставрация жараёнлари ўрганилди.

Ўз навбатида, юртимизнинг турли ҳудудларидан келган маҳаллий ва чет эллик сайёҳлар билан суҳбатлар ўтказилди. Шу жараёнда уларнинг мазкур объектлардаги шарoитлар ва умуман, вилоятда туризм соҳасига оид муаммоларни ҳал этиш юзасидан тақлифлари асшитилди.

Сўнгра воҳанинг машҳур туристик брендлари қаторидаги Сангардак шарҳарасида сайёҳларга яратилган шарт-шарoитлар билан танишилди. Ушбу объектга мавсумда кунга 10 мингдан ортиқ маҳаллий ва хорижий сайёҳлар келади. Шу боис шарҳара ва унинг атрофидаги ҳудуд экологик ҳолатини яхшилаш, мазкур табиий мўъжизани оҳиёт қилишга қаратилган чоралар белгилан олдинди. Жумладан, 20 нафар ободонлаштириш ходими бириктирилиб, улар томонидан ҳар кун кеч соат 22:00 дан сўнг тозалаш юмушлари мунтазам амалга оширилиши белгиланди.

Ишчи гуруҳнинг кейинги манзили Шўрчи туманида фойдаланишга топширилган

«Қунон» туризм бекати бўлди. Бу ерда туристлар учун қатор қўлайликлар яратилган. Сайёҳлар учун оватқилана чин шоҳобчаси, намозхона ва таҳоратхона мунтазам ишлаб турибди.

Шўрчи туманида жойлашган миллоддан аввалги I ва миллодий III асрларга тегишли бўлган Далварзинтепа ёдгорлиги ҳам кўздан кечирилди. Маълум бўлишича, ёдгорликнинг 47 гектарлик майдони аҳоли томонидан экин ерлари сифатида эгаллаб оллинг ва ноқонуний қурилиш ишлари бажарилган. Ушбу масала юзасидан туман масъулларига тегишли огоҳлантириш берилди.

Ўрганиш давомида тарихий ёдгорлик ва объектларга олиб бoರುವчи йўллар ҳолати қониқарли эмаслиги, йўл қўраткич белгилари, пиедестал учун махсус йўлакча ва автомобиль тўхташ жойлари бўйича муаммолар борлиги аниқланди.

Ўрганиш натижалари асосида Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси, ҳудуддаги сенаторлар ва маҳаллий Кенгаш депутатлари, мутасадди вазирилари, вилоят ҳокимлиги билан биргаликда ҳудудда туризм инфратузилмасини тақомиллаштириш, маҳаллий ва хорижий туристлар оқимини кучайтириш чора-тadbирлари ишлаб чиқиладиган бўлди.

«Халқ сўзи».

ИЛМ-ФАНГА БАҲШИДА УМР

«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тadbқиқот университетида иқтисодий фанлари доктори, профессор Уктам Умурзоқов хотирасига бағишланган халқаро илмий анжуман ташкил этилди.

Анжуман

Тadbбирнинг очилишида атоқли олимнинг ректор сифатида мазкур олийгоҳни ривожлантириш борасида олиб борган кенг қўламадаги фаолияти хотирланди.

Хусусан, Уктам Умурзоқов таълим ҳамда илмий тadbқиқотлар соҳасидаги кучли рақобат шарoитида аграр тармоқ ва сув хўжалигида инновацион ечимларни яратиш ҳамда уларни ривожлантириш мақсадида институт стратегиясини ишлаб чиққан, уни

ҳаётга тadbқиқ қилиш учун Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти замонавий тadbқиқотлар университетига айлантириш тақлифини илгари сурган эди. Чунки дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, тadbқиқотлар университетини шакллантиришнинг муҳим омил унинг кўп функцияли бўлиши, «таълим — фан — ишлаб чиқариш» занжирида инновацион жараёнларнинг қўллаб-қувватланиши билан боғлиқ. Бунда ҳар бир муассаса ўз замонавий илмий тadbқиқот ҳамда тажриба ўтказиш ин-

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҚИЗГИН МУҶОКАМАЛАРГА САБАБ БЎЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси томонидан «Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамага бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Ишчи гуруҳ йиғилиши

Парламент қуйи палатаси депутатлари, тегишли соҳа вакиллари, олимлар, экспертлар иштирок этган йиғилишда мазкур қонун лойиҳаси атрафлича муҳокама қилинди.



Таъкидланганидек, минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар бoзорида контрафакт ва қалбакилаштирилган маҳсулотлар учрашмоқда. Шу билан бирга, контра-

факт кимёвий воситаларни йўқ қилиш масалалари ҳам тартибга солинмаган.

Муҳокама этилаётган ушбу ҳужжатда ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасини тартибга солиш, ўсимликларнинг ҳимояси бўйича давлат бошқаруви ва назорати, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, ўсимликларнинг ҳимояси воситаларига қўйиладиган ҳавфсизлик талаблари, кимёвий моддалар, биологик воситалар ва материалларни сақлаш, қўлаш, зарарсизлантириш, йўқ қилиб юбориш, ташиш ва кўмиб ташлашга доир талаблар ўз ифодасини топган.

Қонун лойиҳасининг қабул қили-

ниши эса ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг ҳуқуқ-ваколатлари ва мажбуриятларини қонун даражасида мустақкамлашга хизмат қилади.

Депутатлар қонун лойиҳасини қизгин муҳокама этиш жараёнида уни янада тақомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича асосли тақлифлар берди. Ўз навбатида, қўллаб-қувватлаш ўрта-ташаббус ишчи гуруҳ аъзоларидан батафсил жавоблар олинди.

Айни пайтда кўмитада қонун лойиҳасини тақомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

ФАРҒОНАДА ФИТОСАНИТАР ВА АГРОКИМЁВИЙ ХИЗМАТЛАР СИФАТИ ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси ишчи гуруҳи аъзолари бир неча кун давомида Фарғонада бўлиб, ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини янада тақомиллаштириш, фитосанитар ва озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш ва агрокимёвий хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш борасидаги ишлар юзасидан ўрганишлар олиб борди.

Таҳлил

Дастлаб ишчи гуруҳ аъзолари Республика агрокимёвий тadbқиқот маркази вилоят ҳудудий бўлимига фаолияти билан яқиндан танишди.

Айни пайтда бу ерда тупроқ, минерал ўғит, таскисологик ва радиологик назорат таҳлиллари ўтказиб келинмоқда. Қолаверса, тупроқ агрокимёвий таҳлилларидан ташқари, агрокимёвий картограммалар ҳам ишлаб чиқарилади.

Бугун вилоятда жами 82 минг 80 гектар гўза майдонда сифатли пахта ҳосили олиш учун меҳнат қилинмоқда. Қўзланган ҳосилни етиштиришда эса албатта, уларни турли гўза касалликлари ҳамда зараркунандалардан асраш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ишчи гуруҳ ўрганишларни айни йўналишда давом эттирди. Зарар-

ли организмларга қарши кураш бўйича қилинган ишлар, истиқболдаги вазифалар таҳлилдан ўтказилди. Айни мақсадда Олтиариқдаги «Нури обод» фермер хўжалиги гўза майдонлари кўздан кечирилди. Сўнгра шу ишлар Қува туманида давом эттирилди.


Ишчи гуруҳнинг кейинги манзили Риштон туманидаги Аббос Жўраев номидаги биологик хўжалиги бўлди. Айни пайтда биологик хўжалиги томонидан 1 минг гектар галла, 1 минг гектар гўза, 10 гектар боғ, 10 гектар сабзавот-полиэ маҳсулотлари етиштирилаётган майдонларга хизмат кўрсатилаётди.

Ўз навбатида, Богдоп туманидаги «Fezghanaspinning» МЧЖга қарашли биологик хўжалиги ҳамда Данғара туманида-

Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллигига

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ

МАМЛАКАТНИ ҚУДРАТЛИ, МИЛЛАТНИ БУЮК ҚИЛАДИГАН КУЧ



Саноқли кунлардан сўнг мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллигини нишонлаймиз. Тўғри, бу давр тарих олдида унча катта вақт ҳисобланмайди. Лекин истиқлолнинг кейинги беш йиллигида халқимизнинг мушкуллини осон, огирини енгили, турмушини фаровон қилиш бўйича амалга оширилган ислохотлар натижаларини ҳаммамиз кўриб, ҳис қилиб турибмиз.

Айниқса, глобаллашув даврининг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланган таълим-тарбия соҳасини ривожлантиришга алоҳида ургу берилмоқда. Зеро, таълим сифати яхшиланса, бошқа йўналишларда ўзгариш, юксалиш кузатилади. Президентимиз таъбирни билан айтганда, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу — илм-фан, таълим ва тарбиядир.

Мамлакат, аввало, мактабга таълим ва тарбиядан бошланиши эътиборига молик. Бониси фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўлган ҳисобланган мактабга таълим тизимининг ҳамиятимиз ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Кейинги йилларда Президентимиз раҳбарлигида йирик шарҳарларимиздан тортиб, чекка туманлар, қишлоқ ва овулларга янги-янги замонавий боғчалар барпо этилгани сабаби ҳам шунда. Масалан, беш йил олдин юртимизда 5 мингдан зиёд боғчалар фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда бу рақам 19 мингдан ошди. Тизимдаги камров 62 фоизга етди.

Соҳага давлат-хусусий шериклик механизми жорий этилиши тўғрисида 625 228 уринга эга бўлган 20 862 та хусусий боғча ташкил қилинди. Бу мақсадлар учун 2,1 трлн. сўм имтиёзлик кредит маблағлари йўналтирилди, 55 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Мактабга таълим муассасалари тармоғини ҳозирги замон талаблари ва стандартлари асосида ривожлантириш, уларни реконструкция ва модернизация қилишга қаратилган эътибор замирида келажакимиз эгаларининг ҳеч қандай кам бўлмай ўлғайишларини таъминлашдек эзгу мақсад мумкин.

Ҳозирги кунда мактабга таълим муассасалари мактаб ёшигача бўлган болаларнинг умумий саводдини қиқариш, болаларда Ватанин севвиш, у билан гуруралини ҳиссини ўйғотиш, дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Чунки мактабга таълим узлуқсиз таълимнинг бошланғич қисми бўлиб, у боланинг соғлом ва ривожланган шахс бўлиб шаклланишига йўл очиб, ўқитиш бўлган иштиқини ўйғотадди, тизимли ўқитишга таъйинлаб боради.

Яна бир муҳим масала — сўнги беш-олта йилда халқ таълими тизимига бўлган муносабат ҳам, эътибор ҳам тубдан ўзгарибди. Давлатимиз раҳбарининг халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва ҳамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлодга таълим-

тарбия беришини кучайтириш, улар маънавиятини юксалтириш билан боғлиқ қўллаб-қувватлаш ва қарорлари қабул қилинди.

Яқин йилларга қадар ўқитувчи-муаллимлар, айрим жойларда ўқувчилар ҳам, бутун кузани пахта даласида ўтказган бўлса, ҳозир муаллимлар таълим-тарбия жараёнидан бошқа ишларга жалб қилинмайдиган бўлди. Мактаб ўқитувчиларининг ойлук маоши бир неча баробар оширилди, давлат муқофотлари билан тақдирланаётган устозлар сони ошиб бoರುವчи. Бундай марраларга мустақиллик ва Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган ислохотлар натижалариде эришдик.

Таълим соҳасидаги янгиланишларнинг асосий қисмини олий таълим тизимидеги ислохотлар ташкил этади.

Бу борада энг катта қадам бу, шубҳасиз, ўқитиш истадидаги ёшларга бир вақтинч қўзда бир неча олий ўқув юртига ҳўжжат топшириш имкони яратилгани бўлди. Ҳужжатларни топширишининг онлайн тизими йўлга қўйилгани эса яна бир янгиланишдан биридир. Бу илгари кўп учраган ортиқча сарсончилик ва тушунмовчиликларга бутунлай чек қўйди.

Кейинги йилларда олий ўқув юртлари сони 77 тадан 170 га етди, уларга қабул 3,5 баравар ортди. Олий таълимда рақобатни қўллаб-қувватлаш ва хусусий секторни жалб қилиш орқали 24 та хорижий, 27 та нодавлат олийгоҳлари ташкил этилди. Шу асосда олий таълим билан камров даражаси 9 фоиздан 32 фоизга оширилди.

Қувонарлики, меҳнат стажи, иш тажрибасига эга болар фуқаролар ўзлари ишлаётган корхонанинг юқори ташкилотлари тавсияси билан имтиёзсиз, сўбат асосида олий ўқув юртига кириш имкониятига эга бўлди.

Умуман олганда, истиқлолнинг кейинги беш йиллида «боғча — мактаб — олий таълим» таъмоилининг узвий ва узлуқсизлигини таъминлашга қаратилган мустақам занжир яратилди. Зеро, таълим ва тарбияда таннаффус бўлмайди. У доим бир-бирини тўлдириб бoರುವчи лозим. Шу нуқтаи назардан айтганда, таълим тизимиде олиб бoರುವчи ислохотлар ислохотлар янги Ўзбекистон мустақиллик солномасида ўчмас из қолдиришга ишончимиз комил.

Шаҳноза ХОЛМАХМАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Ишончим комил, етарли билим ва тажрибага эга, азму шижоатли тадбиркорларимиз ушбу соҳа олдида турган вазифаларни самарали бажаришда бундан буён ҳам бор куч ва имкониятларини сафарбар этадилар.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

ТАДБИРКОР — ЮРТГА МАДАДКОР

Солиқ имтиёзлари ишбилармонлар фаолиятини кенгайтиради



Кейинги йилларда юртимизда тадбиркорликни изчил ривожлантириш ҳисобига Ватанимизнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш ҳамда аҳоли фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. 22 август кун...

ҳамда унда илгари сурилган тадбиркорликни янада кенг қўллаб-қувватлаш зарурати нимадирда намойиш бўлмоқда?

Сир эмас, дунё микёсида иқтисодий фаоллик пайсаиши, ташқи савдо, логистика, озиқ-овқат ва хомашё нархлари ҳамда энергия билан барқарор солиқ маъмуриятининг мураккаблиги ва таъхирлар буйича ўз эътирозини билдирган. Камига, уларнинг инфратузилмага уланш, ер ва жой ажратилиш масалалари билан боғлиқ муаммолари ҳам йўқ эмас.

Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари тақлиф билан тадбиркорлик субъектлари тоифаларга ажратилган ва уларга янги солиқ имтиёзлари берилмайдиган бўлди.

Шу мақсадда корхоналар тоифаларга ажратилади ва уларни қўллаб-қувватлаш буйича алоҳида ёндашув белгиланади.

Булар:

- 1 миллиард сўмгача бўлгани — микро бизнес;
● 10 миллиард сўмгача бўлгани — кичик бизнес;
● 100 миллиард сўмгача бўлгани ўрта бизнес тоифасига киради.

Келгуси йилнинг 1 январидан бошлаб биринчи тоифа — микро бизнес учун айланмадан олинмаган солиқ ставкаси янага 4 фоиз этиб белгиланади. Бунда олис ҳудудлардаги ва алоҳида тоифадаги тадбиркорлар учун амалдаги 1 ва 2 фоизли ставкалар сақлаб қолинади ёки улар ихтиёрий равишда йилга 20 — 30 миллион сўм тўласа, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиқ идораларига тақдим этиш мажбуриятидан озод этилади.

Табиий равишда кейинги тоифалар учун ҳам бир қатор имтиёзлар кўзда тутилганки, бундан кўпчилигининг яхши хабари бор. Шу боис мулоҳазамизни тадбиркорларга фаолиятини кенгайтириш, янги лойиҳаларни амалга ошириш учун йўлга қўйлажак соддалаштирилган молиялаштириш тизимига доир фикрлар билан давом эттирмақчимиз.

Янги тизимга кўра, тадбиркорларимиз фаолиятини кенгайтириш, янги лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай молиялаштириш тизимини яратиш ва кичик бизнес лойиҳаларига 20 триллион сўм йўналтириш кўзда тутиляпти.

Шу мақсадда 2023 йил учун Молия вазирлиги микро ва кичик бизнес лойиҳалари буйича "Микрокредитбанк", "Агробанк" ва Халқ банкига 500 миллион доллар ресурс йўналтиради. Мухими, бу маблағлар ўз фаолиятини энди бошлаган тадбиркорлар кичик лойиҳалари учун 300 миллион сўмгача, 5 йил муддатга, 2 йилгача имтиёзли давр билан берилади.

Яна бир мисол. Тижорат банлари ўрта бизнес лойиҳаларига халқаро молия бозорларидан давлат кафолатисиз 700 миллион доллар маблағ жалб қилади. Бунда 5 миллион долларгача кредитлар ўрта тадбиркорларга 7 йилдан кам бўлмаган муддатга 3 йилгача имтиёзли давр билан берилади.

Яна қатор имтиёз ва қулайликлар борки, буларнинг барчаси пировард натижада тадбиркорликнинг янада кенг қулай ёйишига, Ўзбекистонимизнинг иқтисодий салоҳияти ва аҳоли фаровонлиги бундан-да ошишига мустаҳкам замин яратади.

Эркин ГАДОЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси.

Муаммолар ортада қолди, олдинда фақат муваффақият



Асосийси, солиқ ва бошқа имтиёзлар корхонамиз фаолиятини юксалтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳўжалигимизда инкубацион туҳум, бир кунлик жўжа, парранда озукаси ишлаб чиқаришнинг асосий йўли бўлиб қолди. Айни пайтда маҳсулотимизни қўшни давлатларга экспорт қилишни йўлга қўйдик. 120 гектар ер майдони олиб, узумчилик кластерини ташкил этдик. Ҳозир соҳа ривож учун барча имконият яратилляпти. Тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг "Тадбиркорлар кўни муносабати билан мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган соҳа вакиллари билан бир гуруҳини муқофотлаш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Маз-

Давлат раҳбарининг тадбиркорлар билан навбатдаги очик мулоқотида юртимиз ишбилармонларининг муаммо ва тақлифлари ўрганилиб, ҳулосалар асосида соҳани янада ривожлантириш истиқболлари белгиланди.

Тарихий учрашув: янги имконият ва рағбат



Президентимиз ўтган йили тадбиркорлар билан бўлган очик мулоқотида 20 август санасини юртимизда "Тадбиркорлар кўни" этиб белгилаш ташаббусини билдирган эди. Шу сабабли ҳар йили ушбу сана мамлакатимизда тадбиркорлар байрами сифатида кенг нишонланяпти.

Бу йил 20 август — Тадбиркорлар кўнида давлатимиз раҳбари фармоиши билан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ юртодошларимиз "Фаол тадбиркор" кўкрак нишони билан тақдирланди. Бу эса мамлакатда бизнес вакилларига бўлаётган юксак эътиборнинг ёрқин намунаси.

Кўни кеча Халқаро конгресс марказида ўтган давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқоти эса том маънода тарихий учрашув бўлди. Узок қўтилган ушбу мулоқот тадбиркорларимиз кучига, қўлига, қўлига қўшиб, уларни янги марралар сари руҳлантиргани рост.

Очик ва дўстона мулоқот чоғида тадбиркорлар учун яратиб берилаётган имкониятларни янада кенгайтиришга қаратилган бир қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Тадбиркорларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган 5 та муҳим йўналиш кўрсатиб ўтилди.

Жорий йил 1 июлдан бошлаб бўш бўлса-да, у қулай ишбилармонлик муҳити учун мустаҳкам пойдевор яратди. Ўзбекистон иқтисодиёти ва сармоявий муҳитининг йўналиши менга ва жамоага фаолиятимизни бошқа тармоқларга йўналтириш учун ҳам ишонч бағишлади.

Биз самардорлик ва янги бошқарув тузилмаларини яратиш учун ушбу соҳаларга замонавий технологиялар ва рақамлаштиришни олиб киришга аҳд қилганимиз.

Асосийси, юксак муқофот бундан кейин ҳам Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш йўлида фаолиятимизни кучайтиришга рағбат бағишлайди.

Даниел Уильям ПАТТЕРСОН, Жизнақ вилоятининг Пахтакор туманидаги «Silverleaf» қўшма корхонаси бош директори.

Анвар АБДУЛҲАЕВ, Косоной туманидаги «Barkas-tek» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.

Манзура МАШАРИПОВА, Хоразм вилоятининг Гурлан туманидаги «Гурлан экспорт» МЧЖ раҳбари.

Ўзбекистон инвесторлар учун жозибали мамлакатга айланди

Мамлакатингизнинг нуфузли "Дўстлик" ордени билан тақдирланган мен учун катта шараф. Айтиш жоиз, инсонга берилган юксак муқофот бу унинг оиласи, дўстлари ва ҳамкасбларига ҳам билдирилган катта ишончдир.

Айтимоқчиманки, мана шундай эътирофга ҳисса қўшган жамоамиздан ниҳоятда миннатдорман.

Айни чоғда Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришда аънаваларни давом эттириш менга зўр мануният бағишлайди. Сўнгги 30 йилда Ўзбекистон билан ақиндан танишиш бахтига муссар бўлганимдан ва шундай берақор мамлакатда ўз ўрнимни топганимдан бахтиёрман.

Биласизми, Президент Шавкат Мирзиёев олиб бораётган очиклик сиёсати ва изчил ислохотлар тўғрисида Ўзбекистонга сармоя киритдим.



Ўзбекистон биз инвесторлар учун жозибали мамлакатга айланди. Тан олиш керак, кейинги йилларда инвестициявий муҳит яхшиланди. Қисқа вақт ичида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Аслида ўзгаришларни амалга ошириш мураккаб жараён ва у мукамалликка ва интилувчан бўлади. Давлат раҳбари раҳнамолигида ислохотларни амалга ошириш ва соғлом ишбилармонлик муҳитини яхшилаш йўлида ўнлаб Фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Ислохотлар ҳали якунига етмаган бўлса-да, у қулай ишбилармонлик муҳити учун мустаҳкам пойдевор яратди. Ўзбекистон иқтисодиёти ва сармоявий муҳитининг йўналиши менга ва жамоага фаолиятимизни бошқа тармоқларга йўналтириш учун ҳам ишонч бағишлади.

Биз самардорлик ва янги бошқарув тузилмаларини яратиш учун ушбу соҳаларга замонавий технологиялар ва рақамлаштиришни олиб киришга аҳд қилганимиз.

Асосийси, юксак муқофот бундан кейин ҳам Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш йўлида фаолиятимизни кучайтиришга рағбат бағишлайди.



Очик мулоқотда Президентимиз томонидан корхоналарни тоифаларга ажратиб, уларни қўллаб-қувватлаш буйича алоҳида ёндашувни белгилаб олиш тақлифи

Микро, кичик ва ўрта бизнес — энг мақбул тизим

илгари сурилган тадбиркорларнинг қўлидаги иш бўлди, десам, хато қилмайман. Бунда корхоналар йиллик айланма буйича тоифаларга киради. Уларнинг 1 миллиард сўмгача бўлгани — микро бизнес, 10 миллиард сўмгача бўлгани — кичик бизнес, 100 миллиард сўмгача бўлгани ўрта бизнес тоифасига киришини эшитиб, ниҳоятда хурсанд бўлдим.

Яхшигина иқтисодий салоҳиятга эга йиллик корхонамизда икки мингга яқин ишчилар меҳнат қилаётгани, за-

монавий технологик ускуналар ёрдамида йилга 25 миллион АҚШ доллари қийматида текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариб, унинг катта қисмини ташқи бозорга чиқараётганимизни айтиб ўтишни жоиз деб билдим. Биргина жорий йилнинг олти ойида хорижий шерикларга 15 миллион АҚШ долларига тенг моимк сочик, халат ва бошқа трикотаж буюмларини жўнатдик.

Кўрсаткичларни алоҳида таъкидлашимнинг боиси шуки, эришган марраларимиз,

энг аввало, тадбиркорлар билан ишлаш тобора юқори даражага кўтарилаётгани, бизнес юритиш муҳити қулайлашиб бораётгани билан ҳамбарчас болдик. Президентимиз очик мулоқотда айтган имтиёз ва энгилликлар эса келгусида янада фаолиятимиз кенгайтиришда муҳим ўрин тутади.

Анвар АБДУЛҲАЕВ, Косоной туманидаги «Barkas-tek» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.

Ишонч ташаббусга ундайди

Юртимизда тадбиркорликни, айниқса, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида яратилган имкониятлардан фойдаланиб, 2018 йилда 2 гектар майдонда замонавий иссиқхона ташкил қилган эдик. Соҳага йўналтирилган имтиёзли кредитлар ҳисобига қисқа муддатда иссиқхонамиз саҳнини 25 гектарга, иш ўринлари сонини 250 гага етказдик. Жумладан, "темир дафтар"даги оилаларнинг 48 нафар ишсиз аёллари иш билан таъминладик.

Иссиқхонамизда етиштирилган маҳсулотлар, асосан, Россия ва Қозғистонга экспорт қилинмоқда. 2021 йилда 1,5 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот хорижа чиқарилган бўлса, бу йил экспорт ҳажмини 2 миллион долларга етказишни режалаштиряпмиз.

Илгари вилоятимиздаги иссиқхоналарга кўчалар четдан келтирилган эди. Шунинг эътиборига олиб бу йил ўзимизда сара уруғлардан кўчат етиштириш ва бошқа иссиқхоналарга етказиб беришни йўлга қўйдик. Бундан ташқари, 28 гектар майдонда экс-



портбюл узум етиштириш лойиҳасини амалга оширганамиз боис даромадимиз салмоғи янада ортди. Тадбиркорликда фақат аграр соҳа билан чекланиб қолмасдан, таълим тизимига ҳам

сармоя киритяпмиз. Ҳозирги кунда ҳар бири 100 ўринли 2 та мактабгача таълим ташкилоти бинолари қурилишини давом эттиряпмиз.

20 август — Тадбиркорлар кўни арафасида Президентимизнинг фармоишига биноан "Фаол тадбиркор" кўкрак нишони билан тақдирланганимиз янги юрларга, янги ташаббусларга рағбат берди. Бундай эътибор, билдирилган ишонч зиммамга янада катта масъулият юклаб, шижоат билан меҳнат қилишга ундайди.

Манзура МАШАРИПОВА, Хоразм вилоятининг Гурлан туманидаги «Гурлан экспорт» МЧЖ раҳбари.

Тоғдаги дор йўли ва 30 та ўтов

Давлатимиз раҳбарининг биз, тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказиб, фикр ва тақлифларимизни эшитиб, қўллаб-қувватлаётгани шу соҳа вакили сифатида мени ниҳоятда гуруҳлантирди. Айниқса, солиқ имтиёзлари, мулк дахлсизлигини ҳимоя қилиш, Президент хузурида Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш буйича Жамоатчилик кенгаши тузилиши кўчимизга куч, ғайратимизга рағбат қўшмоқда. Дарвоқе, "Дўстлик" орденига сазовор бўлишим эса бу юрда меҳнат қилган инсон албатта, кам бўлмастгилки — қадр топилиши аниқлади.

Юртимизда туризм хизмати кенг ривож топиши баробарида меҳмонхона, шу жумладан, меҳмон уйларига бўлган эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда. Тадбиркор сифатида фусункор табиат бағридаги Омонхона қишлоғига келувчилар учун 50 ўринли замонавий меҳмонхона, бундан ташқари, барча шарт-шароитга эга, миллий услубда безатилган меҳмон уйлари фаолиятини йўлга қўйдик.

Бугунги кунда маҳаллий ва хорижий меҳмонларга хизмат кўрсатиб келмоқдамиз. Фаолиятимизни яна кенгайтириш ҳамда ҳудудга янада

Сабаби бу ерда тадбиркорлар, банк вакиллари, инвесторлар учун бизнес лойиҳаларини муҳокама қиладиган муҳит пайдо бўлади. Туман, шаҳар фаол тадбиркорларнинг эришган натижалари йил давомида "Фаровонлик бунёдкорлари" кўргазмаларида намойиш этилади. Бу, ўз навбатида, ишбилармонлар учун янги имконият ва рағбат бўлди, десак, асло муволажа эмас.

Умуман олганда, тадбиркорларга қулай имкониятлар яратилган ва уларнинг муаммоларини тинглаш, ечим топишга алоҳида эътибор қаратилган юрда, албатта, барча соҳа юксалади. Шу нуқтаи назардан айтганда, очик мулоқотда илгари сурилган тақлиф ва ташаббусларнинг тўлақонли ҳаётга таъбиқ этилиши тадбиркорлар сафи янада кенгайтиришга, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилашга хизмат қилади.

Одинахон ОТАХОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



кўпроқ сайёҳларни жалб қилиш мақсадида Россия Федерацияси, Чехия, Туркия давлатларидан йирик инвесторларни жалб қилган ҳолда уй меҳмонхонаси, тоғ дор йўли, экопарк, шумчилик, сайёҳларнинг мазмунли дам олишига қулайлик яратиш учун табиат қўйнида 30 дан ортиқ ўтовлар ташкил этмоқдамиз.

Асосийси, аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимизда. Келгусида бу борадаги ишларимизни янада кенгайтириш ниятидамиз.

Нодира БОБОҚУЛОВА, Бойсун туманидаги «Камари азиз» уй меҳмонхонаси раҳбари, «Дўстлик» ордени соҳиби.

Эътибор ва эътироф — ютуқлар омили

Тадбиркорлар кўни муносабати билан пойтахтда ташкил этилган тадбирда Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқини тинглаб, олам-олам таассурот, бошлаган ишимизга зўр ишонч ҳосил қилдим. Чунки бевосита давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бизга мисли кўрилмаган даражада имтиёзлар берилляпти.

Нутқда таъкидланганидек, энди тадбиркорнинг мулки ишончли тарзда ҳимояланади. Демак, лойиҳа қиймати 2 миллион АҚШ доллари билан қулоччилик корхонамизнинг янги биноси бундан буён дахлсиз бўлади. Йиллик айланма маблағдан олинмаган солиқ буйича имтиёз берилиши туфайли ҳар йили камда 150 миллион сўм маблағ ўз ихтиёримизда қолади. Кўшимча қиймат солиғи ставкаси 12 фоизга туширилгани эса даромадимиз салмоғини янада оширади.

Ҳозирда 100 иш ўрни яратиш, маҳсулотларимизни етита давлатга экспорт қилияпмиз. Эътибор ва рағбат, солиқ имтиёзлари самара-



си туфайли яқин истиқболда корхона мақомини микро бизнесдан (йиллик айланма маблағи 1 млрд. сўмгача) кичик бизнес (йиллик айланма маблағи 10 млрд. сўмгача), кейинчалик йиллик айланма маблағи 100 млрд. сўмгача бўлган ўрта бизнес тоифасига ўтказишни мақсад қилдим.

Шокиржон АҲМАДЖОНОВ, Риштон туманидаги «Аҳмаджон Шокиржон Носиржон ўғли» кулолчилик корхонаси раҳбари, «Шуҳрат» медали соҳиби.

Энди биз бошқача ишлаймиз

Ишидан кўнгли тўқ инсоннинг фаолияти ҳам самарали бўлади. Чунки у мулк дахлсизлиги ёки бизнеси хавф-хатаридан чўчимади. Президентимизнинг тадбиркорлар билан очик мулоқотида иштирок этиб, юрагимни ана шундай туйғулар эгаллади.

Мана, масалан, давлатимиз раҳбари тадбиркорларга қўшимча қиймат солиғи 12 фоизга туширилишини айтди. Бу биз учун катта имтиёз. Ана шу имтиёз туфайли келадиган даромаддан яна янги иш ўринлари очилиши, фаолиятимизни янада кенгайтиришимиз мумкин бўлади.

Шу йилнинг февралда очилган корхонамиз март ойидан 90 фоиз қувватда ишлаб бошлагачи, жамоамизни Бёёв туманининг 17 та маҳалласида яшайдиган аҳоли ҳисобига шакллантирдик. Янги хозиргача 351 та иш ўрни яратдик. Қалава ипни бўяш ва уни ғалтакка ўрайдиган корхонамиз фаолият бошлагачи яна 350 киши ишли бўлади. Ишлаб чиқариш жараёни узлуксиз, шу боис маҳсулотларимиз савдоси ҳам чаққон бўлмоқда. Технологиямиз Европаники, натижада экспорт жўрофисияи ҳам Хитой, Польша, Туркия, Германия каби мамлакатлардан иборат.

Очик мулоқотда айтилганидек, тадбиркор вақтдан ўзиб, бугунги эмас, узокни кўзлаб иш тутиши керак. Эртанги бозор талабини бугун англаши лозим.



Шуқурulloхон КОМИЛОВ, Бёёв туманидаги «Воюовит techno cluster» масъулияти чекланган жамияти директори, «Фаол тадбиркор» кўкрак нишони соҳиби.

Иш ўрни 550 тага етказилади

Корхонамизга 15 йил аввал асос солганмиз. Ушбу йили беш турдаги маҳсулот ишлаб чиқариб, 12 кишининг бандлигини таъминлаган бўлсак, даромадимиз 100 миллион сўм атрофида эди.

Сўнгги йилларда тадбиркор учун кредит ва субсидия олиш, лицензия, кўчмас мулк ва ресурсларга эга бўлиш, экспорт каби масалаларда қўллаб-қувватлаш имконияти ва шароитларнинг яратилиши, ортиқча текшириш, нақд пул, валюта ва хомашё буйича мавжуд чекловлар, тўсиқ ва говларнинг аксариятига барҳам берилиши фаолиятимизни кенгайтиришга туртки берди.

Натижада кейинги икки йилда 6 млн. АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция киритиб, энг сўнгги русумдаги металлга ишлов бе-

рувчи дастгоҳларга эга бўлдик. Йил якунигача яна 4,5 млн. АҚШ доллари миқдорига инвестиция ўзлаштиришни мўлжалляпмиз. Бунинг натижасида корхонамиз технологик имкониятлари кенгайиб, 150 дан ортиқ янги иш ўринлари яратиш имконияти пайдо бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг юртимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот ўтказиб, мурожаатларга ечим топилаётгани туфайли соҳага муносабат тубдан ўзгарди ва бу бизни янги-янги марралар сари илҳомлантирмоқда. Чунки, камтарона фаолият мамлакатимиз раҳбари томонидан юксак давлат муқофотига муносиб қўрилиши зиммамга катта масъулият юклайди.

Айни кунларда қончилик



саноати учун ўта зарур саноат насосларининг бир неча турларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш устида иш олиб борапмиз. Бунинг самараси ўлароқ келгуси йилда маҳсулот ҳажминини 500 млрд. сўмга ва иш ўринларини 550 нафарга етказишни кўзлаб туришимиз.

Бахтиёр ҲАМРОЕВ, «GIDRO-STANKO-SERVIS» МЧЖ корхонаси раҳбари, «Дўстлик» ордени соҳиби.



ЕР ЮЗИНИНГ САЙҚАЛИ

САМАРҚАНД ДУНЁ АҲЛИ ЭЪТИБОРИНИ ТОРТМОҚДА

Хазрати Баҳоуддин Нақшбанддан тортиб Хожа Аҳор Валигача, Абдурахмон Жомийдан тортиб хазрати Алишер Навоийгача бўлган кўплаб илм-ирфон алломаларининг дахлдорилиги бор бу масканга. Хусусан, теурийлар салтанати даврида илм аҳли, шоирлар Самарқандда яшаб ижод қилишни ўзлари учун катта шараф, деб билган.

Ўзбек миллий матбуотининг тамал тоши ҳам Самарқандда қўйилган, десак, хато бўлмас. Утган асрнинг бошларида жадидчилик ҳаракатининг пири муршидлари бўлган Махмуджўза Бехбудий, Саидризо Ализода сингари фидойи алломалар "Самарқанд" газетаси орқали аҳолини, ўсиб келаётган ёш авлодни савод чиқаришга, илм-маърифат билан дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини топишга даъват қилди, ўзбек тили софлиги учун курашди. Биринчи ўзбек драмаси "Падарқуш" Самарқандда яратилди. Пойтахт сифатида бу шаҳар Туркистон ўлкасининг энг маърифатли ва илгор фикрли вакиллари учун бағрига олди.

Абадий шаҳар

Самарқанднинг таърифи, кўрki ва шон-шухрати қадим-қадимдан не-не фотиҳларнинг, жаҳонгирларнинг босқинчилиги сабаб бўлган. Дунёнинг катта қисмини забт этган Искандар Зулқарнайн бу шаҳарни истило қилиш учун ун минглаб лашкарларидан жудо бўлди, ниятига етганидан сўнг ҳам ором топмади.

Самарқандга лашкар тортиб келган Чингизхон истило пайтида катта талафот кўрди, аламга чидолмай шаҳар масжидини ҳам аяб ўтирмай ёқиб юборди, шаҳарнинг барча муҳофаа деворларини текислаб ташлади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида шаҳарга оқ пошшонинг босқинчи генерали Кауфман қўшин тортиб келди. Кўҳак тепалигига замбаракларини ўрнатди, қадимий минораларни ўққа тутди. Яна қонлар тўкилди, шаҳар вайрон бўлди. Лекин йиллар, асрлар ўтиб фотиҳлар умри завол топди, шаҳар эса яна қайтадан тикланди.

Бу қутлуғ маскан Турон подшоши Алп Эр Тунга — Афросиёб барпо қилган қудратли давлатнинг пойтахти бўлган. Юнон босқинчиларига қарши курашган сўд қоплони, жасур Спитамен ҳам шу юртининг фарзанди эди. Самарқанд илк ўрта асрларда сўд подшолири Тархун, Вархуман ва Гурекларга ҳам пойтахт бўлган. Улар шу шаҳарда улкан саройлар, ибодатхоналар, бозорлар ва маҳаллалар барпо қилган.

XI асрда келиб, Самарқанд қорахоний ҳукмдор Иброҳим Табғач Бугрохон давлатининг пойтахтига айланди. Иброҳим Табғач бу шаҳарда мадрасалар, масжидлар, шифохоналар, карвонсаройлар бунёд этди. Шаҳарни ўғриқароқчилардан тозалади ва осийштакли ўрнатди.

Чингизхон истилоларидан вайрон бўлган Самарқанд XIV асрнинг 70-йилларида соҳибқирон Амир Темур томонидан салтанат пойтахтига айланган. Шаҳар обод, юрт фаровон бўлди. Самарқанд — Шарқ шаҳарларининг келинчаги, дунёнинг илм ва маданият марказига, Ер юзининг сайқалига айналди. Соҳибқироннинг мунажжим набираси, улуг олим Мирзо Улугбек бу ерда илми толиблар учун мадраса ва улкан расадхона қурди. Ялангўшбий Баҳоудирхон ҳоқимлиги даврида Самарқанд гуллаб-яшнади.

Хўш, нима учун Александр Македонскийдан тортиб Чингизхондек буюк истилочилар Самарқандга қараб интилган, уни маъв этишга ҳаракат қилган? Нега эрамиздан бир неча минг йиллар аввал Зардушт томонидан битилган "Авесто"дан тортиб юнон тарихчи ва файласуфлари Квинт Курций Руф, Диодор, Плутарх, Страбон томонидан ёзилган асарларда Самарқанд тилга олинди? Бу унинг ўша даврда ҳам макъеи ва мақомоти сарбаланд бўлганини кўрсатади. Зеро, Самарқанд барча даврларда турли цивилизациялар, халқлар ва миллатлар ўртасида ўзига хос маданий ҳамкорлик ҳамда мулоқот маркази бўлган. Биргина фотиҳлар ва жаҳонгирлар эмас, дунёни қалб кўзи билан идрок қилган олим-фузалар Самарқандга интилган.

«Туризм дарвозаси»

Самарқанд халқаро аэропорти — шаҳарга келаётган сайёҳлар учун ўзига хос дарвозадир. Афсонавий кўринишга эга бўлган ҳаво бандаргоҳи буюк мунажжим ва давлат арбоби, бобомиз Мирзо Улугбекнинг "Зижи жадида Кўрагоний" асарининг китобат шаклидаги кўриниши асосида янгидан барпо этилди. Аэропорт терминалининг том қисмида юлдузлар туркуми тасвири туширилган осмон кўриниши акс эттирилган. Дунёнинг турли бурчакларидан учиб келаётган сайёҳлар Самарқанд заминига қўнишда ушбу бандаргоҳ биноси томида порлаётган, ўзига чорлаётган юлдузлар жилвасига мафтун бўлади. Тун

ва майдонлар вужудга келди. Шаҳар ичида ва атрофида бир-бирдан гўзал, баҳаво, хушманзара 12 та боғ ва саройлар яратилди. Бу аjoyиб боғларнинг дарвозаларига кечая кундуз барча учун очик эди.

XIV асрнинг охирига келиб, Самарқанд шу даражада обод ва гўзал, бой, улугвор шаҳарга айландики, унинг кўрки олдига Шарқнинг гўзал шаҳарлари: Шероз, Қоҳира, Бағдод, Султонлар ва Дамашқ ҳам ўз кўркини йўқотгандек бўлди. Шу тўғрисида Соҳибқирон Самарқанд атрофидаги бир неча қишлоқларга юқоридаги шаҳарларнинг номини берди. Амир Темур Самарқандни ва самарқандликларни алоҳида меҳр-муҳаббат

Самарқанднинг ўзгача руҳидан баҳраманд бўлишди.

Йилнинг энг йирик сиёсий ва дипломатик форуми

ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янги сифат босқичига олиб чиқишга қаратилган мустақам ҳуқуқий ва концептуал ҳужжатлар тўплами имзоланиши кутилмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг фаол дипломатиясида Самарқанд мамлакатимизнинг энг муҳим халқаро ташаббусларини илгари суриш учун нобё платформа бўлиб хизмат қилмоқда. Кейинги йилларда шаҳарда "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги халқаро конференция, Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми, Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми ва бошқа қатор йирик тадбирлар муваффақиятли ўтказилди.

Самарқанднинг нобё мероси ва унинг янги бунёдкорлик қудрати ШХТнинг ишонч, ўзаро манфаат, тенглик, маданиятлар хилмаҳилигига ҳурмат билан ёндашиш ва муштарак тараққиёт тамойилларига тўла мос келади. Саммит арасида Буюк Ипак йўлининг "марвариди" бўлган Самарқанд шаҳри кенг кўламли бунёдкорлик марказига айланди ва Евросиё маконидagi йилнинг энг йирик сиёсий ва дипломатик форумини ўтказишга шай ҳолатга келди.

Самарқанд саммитида давлат раҳбарлари замонвий халқаро муносабатларни чуқур ўзгартириш нуктаи назаридан ШХТ олдига турган янги таҳдидлар ва вазибаларни муҳофаа этади, ташкилотни янада ривожлантириш учун тарихий аҳамиятга эга бўлган қатор муҳим қарорларни қабул қилди.

Саммит кун тартибидagi асосий масалалардан бири ШХТни янада кенгайтиришга ҳисобланади. Ташкилотга аъзо давлат макомини олиш учун Эрон Ислому Республикасининг мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзолашга тайёр. Ҳужжат амалда ушбу йирик Яқин Шарқ мамлакатининг ташкилотга тўлиқ аъзо бўлишига йўл очади. Бундан ташқари, ШХТ фаолиятида тўлақонли аъзо, кузатувчи ва мулоқот бўйича шериклар макомиди иштирок этиш учун тақдим этилган 10 га яқин мамлакатларнинг аризалари кўриб чиқилди. Саммит майдонида ШХТ ва Араб давлатлари лигаси, ЮНЕСКО, ЭСКАТО ва бошқа бир қатор халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатиш бўйича меморандумлар имзоланиши ҳам кутилмоқда.

Саммитнинг асосий сиёсий ҳужжати — Самарқанд декларацияси қабул қилинди. Унда мамлакатларнинг энг муҳим минтақавий ва глобал масалалар бўйича консолидациялашган позициялари, амалий ҳамкорликни янада такомиллаштириш, минтақавий барқарорлик, хавфсизлик ва барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш, транспорт алоқасини мустақамлаш, маданий мулоқотни чуқурлаштириш бўйича қўшма ёндашувлар акс эттирилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистоннинг эзгу ташаббуслари

Давлатимиз раҳбари томонидан ШХТга Ўзбекистон раислиги даврида илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш мақсадида 14 та янги концептуал ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилди. Улар ташкилот доирасидаги ҳамкорлик соҳаларини мазмунан бойитиш ва институционал кенгайтиришга қаратилган. Транспорт боғлиқлигини ривожлантириш бўйича ШХТ стратегияси, Минтақаларо савдонинг ривожлантириш режаси, Инфратузилмни ривожлантириш дастури, "ШХТ — эзгу ният элчиси" институтини ташкил этиш каби ШХТ амалиёти учун янги ҳужжатлар лойиҳаларини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ўзбекистон Президенти томонидан

илгари сурилган барча ташаббуслар минтақавий ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирди. Масалан, ички савдонинг ривожлантириш орқали савдо тўсиқларини бартараф этиш, техник регламентларнинг яқинлашишига ва божхона тартиб-таомилларини рақамлаштиришга эришиш мумкин. Ўзбекистон раислиги даврида шу ва бошқа масалалар нафақат вазирлар даражасидаги урчушув ва йиғилишлар кун тартибида акс этган, балки улар тузилмага аъзо давлатлар ишбилармон доиралари иштирокидаги ШХТ Иқтисодий форуми, Саноат янгиликлари ҳафталиги, Минтақалар раҳбарларини форуми, Саноат кооперацияси форуми, "Кўёшли Ўзбекистон" мева-сабзавотлари кўргазмаси каби қатор йирик тематик тадбирлар доирасида ҳам муҳофаа қилинмоқда. Шу кунгача Ўзбекистон раислиги доирасида 80 дан ортиқ тадбирлар, жумладан, ШХТ ташки ишлар, иқтисодий вазирлар, ички ишлар вазирлирини ҳамда Хавфсизлик кенгаши котибларининг ва бошқа идора ҳамда ташкилотлар раҳбарларининг учрашувлари ўтказилди.

Самарқанд вилоятида ташкил этилаётган "Ўзбекистон — ШХТ" саноат зонаси, ҳақиқатан ҳам, инновацион лойиҳадир. Ушбу платформа Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ШХТ мамлакатлари ишбилармон доиралари ўртасида саноат кооперациясини рабатлантириш дастурини амалга оширишнинг самарали механизмига айланган ҳолда юқори қўшимча қийматга эга махсулотлар ишлаб чиқариш учун инвестициялар, технологик ва инновацион ечимларни жалб қилишга имкон беради.

Шу аснода Ўзбекистон раислигида бўлажак саммит "Шанхай саккизлиги" раҳбарларининг минтақавий ва глобал аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳофаа қилишлари учун самарали платформа яратиб бериши алоҳида аҳамиятга эга. Буларнинг барчаси Самарқанд саммити ШХТнинг учинчи ўн йилликка киришини муносиб белгиланиши ҳолда унинг ривожланишида янги босқич очишига ишонч уйғотади.

Кўҳна кентнинг «таъриф қоғози»

Самарқандда нуфузли халқаро саммит арасида қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, кеча "Буюк Ипак йўли" халқаро туризм маркази тантанали очилди. Очилиш маросимида Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Шаҳарнинг янги қиёфасини белгилаб берадиган мазкур мажмуа ҳақида гапирар экан, "Бу улкан марказ буюк аждодларимиз бунёд этган муҳташам меъморий обидаларга муносиб бўлиб, уларнинг тарихий аъналарининг давом эттирди. Ушбу мажмуа мамлакатимизда ҳозирги пайтда пойдеворни қурилиши бошланган Учинчи Ренессанс ва олдинги тарихий даврлар ўртасидаги рамзий кўприк бўлади, деб ишонаман", деди давлатимиз раҳбари.

Мажмуа Самарқанднинг фарбий қисмида жойлашган машҳур эшак эшик канали бўйида қурилди. Қайд этиш керакки, бу каби спорт мажмуаси дунёда атиги 3 та бўлиб, бири Москвада, иккинчиси Мюнхенда жойлашган.

Самарқанд туманидаги мазкур эшак эшик канали атрофида 200 гектардан ортиқ майдонда янгидан бунёд этилган туристик мажмуа нафақат Самарқанд, балки бутун Марказий Осиё учун замонавий сайёҳлик марказига айланиши, маданий, гастрономик, тиббий ва ишбилармонлик туризми объектига айлантириш кўзда тутилган.

Марказда жаҳон андозалари даражасидаги меҳмонхоналар, истироҳат боғи, даф олиш масканлари, ресторанлар, кафе ва барлар, шунингдек, халқаро анжуманлар маркази ва маданият

масканлари жойлашган. Халқаро архитекторлар ва муҳандислар жамоаси томонидан ишлаб чиқилган замонавий лойиҳа турли тематик зоналарни бутун Марказий Осиё минтақасида ўхшаши бўлмаган уйғун меъморий ансамблга бирлаштирган.

Комплекс бир нечта бўлимдан ташкил топган бўлиб, эшак эшик каналининг шимолида конгресс маркази ва ландшафтлар билан безатилган тўртта хашаматли меҳмонхона ўз ичига олган бизнес кластер жойлашган. Жанубий кластерга ҳар бирининг ўзига хос даволаш-санаторий йўналишига эга бўлган яна тўртта бутик меҳмонхона, шунингдек, экоқишлоқ, "Боқий шаҳар" тарихий-этнографик мажмуаси, савдо майдончалари қиради.

Таъкидлаш керакки, Самарқанддаги бу янги ишчиошлар нафақат вилоят, балки бутун мамлакатимизда туризм индустриясини янги босқичга кўтарди. Чиндан ҳам, миқёси ва аҳамияти жиҳатидан "Буюк Ипак йўли" халқаро туризм маркази буюк аждодларимизнинг мероси давомчилиши ва юртимизда туризм ривожини ҳаракатга келтирувчи куч бўлади. Масалан, халқаро конгресс марказини олайлик. У кўп функцияли бўлиб, заллар, делегациялар учун хоналар, музокара хоналари ва банкет залларидан иборат. Конгресс марказининг чап томонида 22 қаватли, 233 номерга мўлжалланган беш юлдузли "Samarkand Regency Amir Temur" меҳмонхонаси қад ростлади. У жаҳоннинг етакчи отеллари уюшмаси — LHW таркибига кирган Марказий Осиё худудидagi биринчи ва ягона меҳмонхонадир. Шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Игорь Савицкий номига қўйилган 11 қаватдан иборат "Савицкий Плаза" меҳмонхонаси 175 ўриндан иборат.

Қурилган ушбу объектлар халқаро туризм жаҳзасида кўҳна Самарқанд шаҳрининг янги "таъриф қоғози" бўлиши билан бирга, аждодларимизнинг бебаҳо маданий ва маърифий меросининг бутун бўлиб муҳофаа қилиниши таъминлайди. У нафақат хориқлик сайёҳларга, балки ҳар бир юртошимизга хизмат кўрсатади. Ва албатта, Самарқанднинг жаҳон узра доврқ қозонган номини янада юксалтиришга ҳисса қўшади.

Ўтмиш ва келажак чорраҳасидаги қадим кентнинг яна бир янги мўъжизаси — ўз номин билан "Боқий шаҳар" мажмуаси. Ҳар қадамда шарқона муҳит, худди эртақлардагидек эзгулик нури қалб-бингани фаҳр-фитҳорига тўлдирди.

Тасаввур қилинг, бундан бор-йўғи 4 йил аввал бу ер тошлоқ жой эди. Коммуникация, электр ва газ тармоқлари ҳақида-ку айтиб бўлмасди. 2019 йилда тупроқ текисланиб, зарур техник шароитлар яратилган, қурилиш ишлари жадал тус олди. Бугун эса 10 гектардан ортиқ майдонда аjoyиб ва бетакорр мажмуа барпо бўлди. Мажмуанинг кўруқ салобатига, суврату сийратига боқиб, унинг ҳақиқатан ҳам абадиятга дахлдор эканлигини англайсиз. Ахир бу ерда қадриятлар, нобё дурдоналар билан бирга яшаётти. Новойёхона, устакхоналар, эски бозор, мулоқот майдончалари, маҳаллалар, кўчалар ва ҳоҳзо...

Қишки сарой ҳам бетакорр санъат дурдоналари билан безатилди. Ҳар бир нақш, ҳар бир устуннинг, ҳар ёндашувнинг ўз мазмуни, маъносига бор. Ранглар ҳам катта фалсафага эга. Ёзги маданий тадбирлар саройи эса Афросиёб музейидаги деворий суратлар нусхаси асосида чизилган. Бу ерда ҳар бир иморат беэақлари юртимизнинг машҳур усталари ва самарқандлик хунарандлар томонидан яратилди. 26 метрлик минора эса юксалликка интилган орзулар рамзи. Асл санъат ва бебаҳо маданият!

Ўткир РАҲМАТ.

САМАРҚАНД БАРЧА ДАВРЛАРДА ТУРЛИ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР, ХАЛҚЛАР ВА МИЛЛАТЛАР ЎРТАСИДА ЎЗИГА ХОС МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК ҲАМДА МУЛОҚОТ МАРКАЗИ БЎЛГАН. БИРГИНА ФОТИҲЛАР ВА ЖАҲОНГИРЛАР ЭМАС, ДУНЁНИ ҚАЛБ КЎЗИ БИЛАН ИДРОК ҚИЛГАН ОЛИМУ ФУЗАЛОЛАР САМАРҚАНДГА ИНТИЛГАН.

билан севарди. Шу сабабли бу шаҳарнинг ободлиги, фаровонлиги йўлида бойлиги ва вақтини ямади, унинг фармонига қўра, самарқандликлар бир неча марта ҳар хил солиқлардан озод этилган эди.

Тарихий манбаларда келтирилишича, Амир Темур замонида Самарқандда жуда кўплаб сайиллар, байрамлар ва тўйлар ўтказилган, бу байрамларда шу даражада кўп одамлар қатнашганки, бунча халқни шаҳар ўзига сиғдирилмас эди. Шу тўғрисида бундай сайиллар Самарқанднинг шарқий қисмида жойлашган Кониғил мавзесида ўтказилар, бу ерга минглаб чодирлар, расталар, дўқонлар режа билан жойлаштирилган эди. Кониғилдаги тартиб-интизом шу даражада пухта эдики, бирор киши ҳам озор чекмасдан сайил қилиши имконига эга эди. Чодирлар, раста-дўқонлар, йўлаклар қўрқам ва бири-бирдан чиройли бўларди.

Бугун ҳам афсонавий кентнинг узоқ ўтмишини акс эттирадиган мунаввар қосоналари, муаттар ҳавоси, қадимий обидалари дунё ахлини ўзига чорламоқда. Бугун Самарқанд "Шарқ тароналари" халқаро мусика фестивали маркази бўлиш билан бирга нуфузли анжуманларга бош-қош бўлмоқда.

Хусусан, 15-16 сентябрь кунлари бу ерда бўлиб ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити қатнашчилари учун барча қўлайлик ва шарт-шароитлар муҳайё қилиб қўйилди. ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари бу ерда бўлиб ўтадиган тарихий саммитда нафақат геосиёсий масалаларни муҳофаа қилишди, балки

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридagi Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 23 960 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тажрибятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг оқказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров. Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.20 Топширилди — 03.40 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши